

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

ХАЛМУРАТОВА БАХИТГУЛ УЗАХБЕРГЕНОВНА

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА АСОСИЙ ЭКИНЛАРНИНГ
МАҚБУЛ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Халмуратова Бахитгул Узахбергеновна

Сув танқислиги шароитида асосий экинларнинг мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида).... 3

Халмуратова Бахитгул Узахбергеновна

Разработка оптимального режима орошения основных культур в условиях маловодья (на примере Республики Каракалпакстан)..... 21

Xalmuratova Baxitgul Uzaxbergenovna

Development of the optimal irrigation regime for main crops in low conditions of water shortage (in case of the Republic of Karakalpakstan)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

ХАЛМУРАТОВА БАХИТГУЛ УЗАХБЕРГЕНОВНА

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА АСОСИЙ ЭКИНЛАРНИНГ
МАҚБУЛ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.1.PhD/Qx403 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамбетназаров Амангелди Бисенбаевич**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Исаев Собиржон Хусанбаевич**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Иминов Абдували Абдуманнобович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «28» 09 йил соат 5³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37 ; E-mail: piim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (116 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 09 куни тарқатилди.
2021 йил «10» 09 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Бугунги кунда глобал иқлим ўзгаришида сув ресурслари танқислигининг пайдо бўлиши ва сўнги 70 йил ичида ичимлик суви истеъмоли ер куррасида 8 марта ошганлиги кузатилмоқда. Суғориладиган ерлар 307,955 млн. гектарни ташкил этиб, бунда қишлоқ хўжалигида йилига 2,8 млн км³ чучук сув сарфланади, мавжуд чучук сув истеъмолининг 70 фоизидан фойдаланади, бунда озиқ - овқат маҳсулотларининг 40 фоизи ва бошқали доннинг 60 фоизи суғориладиган ерлардан олинади»¹. Сувдан фойдаланиш моделини сақлаб қолган ҳолда сув танқислигини бартараф этиш бўйича илмий изланишларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Дунёда йилдан-йилга чуқурлашаётган сув танқислиги шароитида сувдан фойдаланишни режалаштириш, худудларнинг экологик -мелиоратив ҳолатини яқин ва узоқ келажакда барқарорлигини таъминлайдиган замонавий агро-мелиоратив сув тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, сув танқислигини камайтириш учун сувни тежаб фойдаланишни, дарёлар оқимини тўлиқ бошқаришни, ирригация тизимларидан фойдаланишни ва техник таъминотини такомиллаштиришни ҳамда сув тежамкор усулларни кўллаш борасида салмоқли илмий изланишларни амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда бугунги сув танқислиги шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва бошқаларда кенг қамровли ирригация ва мелиорация ҳамда агротехнология тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасидаги интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни кўллаш»² муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда анъанавий ва ноанъанавий қишлоқ хўжалиги экинларини аниқлаш ва ҳар хил сув танқислиги шароитида суғориш режимини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Кейинги йиллари Ўзбекистонда сув танқислиги кузатилмоқда, айниқса Қорақалпоғистон худудида сув танқислиги туфайли сувни кўп талаб этадиган экинлар майдони қисқармоқда, тупроқ, иқлим, экологик ва бошқа шароитларига салбий таъсир этмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда тупроқ-иқлим ва сув ресурсларига мос экин турларини тўғри танлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мунтазам ошириш, экинлардан юқори ҳосил етиштириш, суғориш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

¹<http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC>

²<https://Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ– 4947-сонли фармони.>

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ПҚ-4912-сон 2020 йил 5-декабрдаги «Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» ги, ПҚ-4919-сон 2020 йил 11-декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора – тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ерларда экинларнинг турли суғориш тартиблари, усуллари ва технологияларнинг тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий, сув хоссаларига, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича республика ва хорижий олимлари В.В.Егоров, С.Н.Рыжов, Н.Ф.Беспалов, К.М.Мирзажанов, А.Э.Авлияқулов, Ш.Н.Нурматов, М.Х.Хамидов, Б.С.Мамбетназаров, У.Норкулов, А.С.Шамсиев, С.Х.Исаев, М.А.Авлияқулов, Х.Махсадов, У. Жўраев, V.Alexsandrov, L. Mateos, A. Shehouni ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий - тадқиқот ишлари олиб борилган. Бугунги кунда иқлим -тупроқ шароитининг ўзгариши, сув танқислиги,асосий экинларнинг суғориш тартиби сув танқислигига боғлиқ ҳолда ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий- тадқиқот муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг ИТД-8 техник, мойли, дон, сабзоват-полиз, мевали, урмон ва бошқа экинлардан маҳсулот олишнинг юқори самарадор ва ресурстежамкор агротехнологияларни яратиш дастури ва ҚХА-8-008 «Сув танқислиги шароитида Қорақалпоғистон ҳудудида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2016-2018йй).

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасининг ўртача даражада шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида сув танқислиги шароитида ғўзанинг “Чимбой-5018”, кунгабоқарнинг “Наврўз”, кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” ва беданинг “КК-15” навларидан юқори ҳосил олишда илмий асосланган суғориш тартибини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

сув танқислиги шароитида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % ва 80-80-60 % суғориш тартибида ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва беда экинларини суғориш тизимини ишлаб чиқиш;

тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, макро ва микроагрегатлар миқдорига турли суғориш тартибларининг таъсирини аниқлаш;

тупроқ шўрланиши ва намлигининг экинларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

сув билан 40, 60 ва 80% таъминланган шароитида ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва бедани суғориш сони, тартиби, суғориш меъёрлари ва бир центнер ҳосил учун сув сарфини аниқлаш;

сув таъминоти 40, 60 ва 80% бўлганда экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикасида сув танқислиги шароитида ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва беда экинларини мақбул суғориш тартибининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасидаги ўртача даражада шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари, ғўзанинг “Чимбой-5018”, кунгабоқарнинг “Наврўз”, кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” ва беданинг “КК-15” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган ерларнинг сув танқислиги шароитида тупроқнинг агрофизикавий ва сув хоссаларини ўрганиш, тупроқда иккиламчи шўрланиши, экинларни суғориш тартиблари, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларида ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАИТИ да қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии». Олинган натижалар вариацион - статистик ишловлар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубида дисперсион таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон Республикаси шароитида сув билан 40, 60 ва 80% таъминланган ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқларда ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва беданинг суғориш тартиблари (меъёрлари, муддатлари, суғориш тизимлари) ишлаб чиқилган;

тажриба даласи тупроқларининг донадорлиги 40, 60 ва 80 % сув билан таъминланишида макроагрегатлар мос равишда 2,52-3,25 %, микроагрегатлар 96,7-97,4 % ташкил этди, ҳажм масса 40 % сув таъминланишида 0,15 г/см³ гача, 60 % сув билан таъминланишида 0,12 г/см³ гача ва 80 % сув билан таъминланишида 0,10 г/см³ гача зичланганлиги ва сув ўтказувчанлиги суғориш тартибида ўзгаришлари аниқланган;

экинларнинг ўсиши ривожланишида ҳар хил сув билан таъминланишида тупроқдаги тузлар таркибининг 42,5-62,3 % ни заҳарли тузлар ташкил қилиши аниқланган, сув таъминоти 40-60 % бўлган шароитда экинлар суғорилганда тупроқдаги ялпи тузлар миқдори 0,487-0,511% ни ташкил этган бўлса, 80 % сув таъминотида шўрланиш даражаси (0,402%) пасайиши аниқланган;

сув танқислиги шароитида ғўзани суғоришда сув билан 40 % таъминланганда 2 марта, 60 % таъминотда 1 марта кам суғорилган ҳамда мавсумий суғориш меъёри 825-2532 м³/га ни ташкил этган, сув таъминоти 80 % бўлганда эса 3-4 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 2994-3027 м³/га бўлиши аниқланган;

кунгабоқарни 40 % сув таъминотида парваришланганда мавсумда 1-2 марта 628-1138 м³/га меъёрда, 60 % да 2-3 марта, 1563-2036 м³/га, 80% да эса 3-4 марта 2568-3057 м³/га меъёрда суғоришни ўтказиш аниқланган;

кузги буғдойни 40 % сув таъминотида парваришланганда мавсумда 1-2 марта 846-1244 м³/га меъёрда, 60 % да 2-3 марта 1541-2011 м³/га, 80% да эса 3-4 марта 2026-2548 м³/га меъёрда суғоришни ўтказиш аниқланган;

беда эса 40% сув таъминотида 1-2 марта суғорилиб, мавсумда 628-1110 м³/га, 60 % да 2-3 марта суғорилиб, 1508-2006 м³/га, 80% да 3-4 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 2512-3046 м³/га ни ташкил этган. Бунда экинларни сув танқислигида суғоришда сув таъминоти 40-60 % бўлганда суғоришлар сони 1-2 марта, мавсумий суғориш меъёри 540-2441 м³/га га камайганлиги аниқланган, бир центнер ҳосил учун ғўзанинг, кунгабоқарнинг, кузги буғдойнинг ва беданинг сув сарфи аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикасида сув билан 40, 60 ва 80 % таъминланганлигига боғлиқ ҳолда ғўзада рентабеллик даражаси 46,2- 52,4 %, кунгабоқарда мос равишда 33,6-39,6 %, кузги буғдойда 39,7-43,4 % ва бедада эса 36,0-44,7 % бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

турли сув танқислиги шароитида ғўзанинг сув талаб этиш хусусиятига боғлиқ ҳолда 80 % сув билан таъминланишида 1-3-0 тизимда ва умумий суғориш меъёри 3027 м³/га ўтказилганда, 30,4 ц/га пахта ҳосили олинган. Пахта толаси сифатининг яхшиланиши, яъни пишиқлиги 27,3-27,5 г/текс ни, 1000 дона чигит оғирлиги 116,5-118,8 г ни ва тола узунлиги 34,1-34,7 мм ни ташкил этган;

кунгабоқар сув танқислигига чидамли бўлиб, 40 % сув билан таъминланишида 0-1-0 тизимда ва умумий суғориш меъёри 628-1138 м³/га бўлганда ҳосилдорлик 14,5 ц/га бўлиб, 1000 дона уруғ вазни 68,2 г ни ташкил этиб, мақбул суғориш тартибини унинг ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

кузги буғдой сув танқислигига анча чидамли бўлиб, 60 % сув билан таъминланишида 0-3-0 тизимда суғорилиб, умумий суғориш меъёри 2011 м³/га бўлганда энг юқори ҳосилдорликка эришилиб, гектаридан 50,1 центнер дон ҳосили олинган. Бошоқдаги донлар сони 3,5-4,2 донага ва 1000 дона дон вазни 0,02-0,06 ва 1,3-2,1 г га кўп бўлиб, ҳар хил сув таъминотида суғориш тартиби ишлаб чиқилган;

ўтлоқи - аллювиал тупроқлар шароитида беданинг ҳар хил сув таъминоти ва суғориш тартиби бўйича олиб борилган тадқиқотларда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70 % тартибда суғорилганда беда пичани ҳосили ўртача 3- йилда 80,5 ц/га ни ташкил этган ва сув таъминотида боғлиқ ҳолда мақбул суғориш тартиби тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Лаборатория ва дала тажрибалари қабул қилинган услубларда бажарилганлиги, олинган маълумотлар вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, олинган назарий натижалар экспериментал маълумотлар билан тасдиқланиши, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосаларнинг мослиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги, ва нашриётларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларни мутахассислар томонидан юқори баҳолар билан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Қорақалпоғистон Республикасининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқларида сув танқислиги шароитида тупроқнинг агрофизикавий ва сув хоссаларининг ўзгариши, ҳамда суғориш тартибига таъсири илмий асосланган, ғўзанинг “Чимбой-5018”, кунгабоқарнинг “Наврўз”, кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” ва беданинг “КК-15” навларининг ўсиши ривожланиши, ҳосилдорлигига ҳамда ҳосилнинг сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўртача даражада шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда сув танқислиги шароитида ғўзанинг “Чимбой-5018”, кунгабоқарнинг “Наврўз”, кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” ва беданинг “КК-15” навларининг суғориш тартиби, яъни суғориш муддати, сони ва мавсумий суғориш меъёрларини аниқлаш билан 40, 60 ва 80 % сув таъминоти шароитида сув танқислигига чидамли экинлар ва суғориш тартиби ишлаб чиқилганлиги, қурғоқчилик шароитида юқори ва сифатли ҳосил олишга ва иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўртача даражада шўрланган ўтлоқи - аллювиал тупроқларда сув танқислиги шароитида ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва беда экинларини етиштиришда мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун “Сув танқислиги шароитида асосий экинларни суғориш бўйича тавсиянома” тасдиқланган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 январдаги 01/011-118-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома, Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

сув танқислиги шароитида ғўзанинг “Чимбой-5018” навини мақбул суғориш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл тумани “Islam Shaniyazov Qanlikol” ф/х 11,7 га, кунгабоқарнинг “Наврўз” нави Хужайли тумани “Зульфия тадбиркор аёл” ф/х 27,5 га, кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” нави Чимбой тумани “Аршан” ф/х 21,3 га, беданинг “КК-15” нави Чимбой тумани “Таза талап” ф/х 17,5 га майдонига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 20 январдаги 01/011-118 сонли маълумотномаси). Натижада ғўза 80% сув билан таъминланганда 1-3-0 тизимда 3000 м³/га меъёрда суғорилиб, 28,6 ц/га,

кунгабоқар 40% сув таъминотида 0-1-0 ва 0-2-0 тизимда 620-1123 м³/га меъёрда суғорилиб, 13,6-14,5 ц/га, кузги буғдой 60% сув билан таъминланганда 0-3-0 тизимда 2011 м³/га меъёрда суғорилиб, 42,3-49,5 ц/га, беда 60 % сув билан таъминланганда 3 марта суғорилиб, мавсумий сув сарфи 2006 м³/га ташкил этиб 77,1-81,7 ц/га пичан ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ва Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали, Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари халқаро ва республика илмий- амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқот ўтказиш шароити ва усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг апробациясида ижобий баҳоланганлиги ва олинган натижаларнинг эълон қилиниши, диссертация ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хорижий олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижа, хулоса ва тавсиялар батафсил баён этилган. Ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва беда экинларини парваришида агротехника тизимининг тупроқ иқлим шароитига боғлиқлиги, тупроқ шўрланишининг, сув танқислигининг ўсимликка таъсири баён этилган. Сўнги йилларда сув танқислигининг пайдо бўлиши, ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва беданинг суғориш тартиби бўйича ва унинг тупроқ унумдорлиги, агрофизикавий ва шўрланиш хусусиятларига таъсири етарлича ўрганилмаганлиги туфайли ушбу йўналишда илмий изланишлар эҳтиёжи зарурлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоғистон Республикасининг табиий**

шароитлари” деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасининг географик ўрни, рельефи, ер фонди, иқлим шароити, геологик, литологик, гидрогеологик шароитлари, суғориладиган майдонларининг мелиоратив тармоқлар билан таъминлаганлиги, сизот сувлари режими ҳамда тупроқ мелиоратив ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказиш шароити, тажриба ўтказиш тизими, тадқиқот услублари, ўрганилган экинларнинг навлари тавсифи, агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг 2016-2018 йилларда дала ва 2019-2020 йилларда ишлаб чиқариш тажрибалари тасдиқланган дастур асосида ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида, сизот сувлари сатҳи 1,8-2,3 метр бўлган ерларда тасдиқланган тажриба тизими асосида олиб борилгани диссертация матнида баён этилган.

Сўнги йиллари Орол бўйи худудининг иқлим шароитларида ўзгаришлар қайд этилмоқда. Ёғингарчиликнинг йиллик миқдори пасайиб ўртача 90-100 мм ташкил этмоқда. Худудда юқори буғланиш пайдо бўлмоқда, ёзги ойларда ҳавонинг нисбий намлиги пасаймоқда. Кўпинча ушбу худудда кучли шамоллар эсади ва шамол билан тузли чанглар кўтарилиши кузатилмоқда.

Тажриба даласи иккита майдондан иборат бўлиб биринчи далада ғўза, кунгабоқар, иккинчи далада кузги буғдой, беда экилди. Ҳар бир экин 40, 60, 80 % сув билан таъминланишида суғориш тартиби ўрганилди.

Дала тажрибаларида тупроқнинг механик таркиби Н.Г.Качинский ва М.П.Бротчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб пипетка усулида аниқланди. Тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр усулида, солиштирма массаси пикнометр усулида, ғоваклиги ҳисоблаш усулида, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги металл ҳалқа усулида, тупроқнинг дала нам сифими майдончаларга сув тўлдириш усулида, тупроқ намлиги термостатда қурутиш ва тарозида ўлчаш усулида аниқланди.

Тажриба даласида 0-30 ва 0-50 см чуқурликлардан тупроқ намуналари олиниб, тупроқ таркибидаги гумус И.В.Тюрин усулида, умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари В.П.Мачигин, Н. М. Мальцев, И. М.Гриценко, П. В. Протасов ва Е.А.Жариновларнинг модификацияланган усулида аниқланди. Азотнинг ҳаракатчан шакли Граньвалд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчи калий П.В.Протасов усулларида аниқланди.

Тупроқдаги зарарсиз ($\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$, CaSO_4), ва зарарли тузлар (MgSO_4 , Na_2SO_4 , MgCl , NaCl) кўрсаткичлари В.В.Егоров, Н.Г.Минашина усулида таҳлил қилинди.

Ишлаб чиқаришда тажриба синови Қонликўл, Хўжайли, Чимбой туманлари фермер хўжаликларида 2019-2020 йиллари ўтказилди.

Диссертациянинг **«Тупроқнинг агрофизикавий ва сув хоссаларига ҳар хил сув танқислигида суғориш тартибининг таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида асосий экинларни 40, 60, 80 % сув билан таъминланишида

синашда ва суғориш тартибига боғлиқ ҳолда тупроқдаги макро ва микроагрегатлар миқдорига таъсирини ўрганганилганда, асосан суғориш меъёрига боғлиқ бўлиб, 630-720 м³/га меъёрида суғорганимизда макроагрегатлар миқдорига унча таъсир этмаганлиги аниқланди, суғориш меъёри 920-1034 м³/га бўлганда сувда ювилишга бордошли тупроқ заррачаларининг ювилиши юқори эканлиги маълум бўлди. Тупроқнинг макро ва микрозаррачаларининг асосий экинларининг ҳар хил сув танқислигида таъсирини ўрганганилганда беда ўсимлигининг таъсири анча юқори эканлиги аниқланди.

Асосий экинлар экилган тажриба даласининг ҳайдов қатламида ҳажм масса амал даври охирига келиб 0,01-0,02 г/см³ ортганлиги кузатилди. Шундан 40 % сув билан таъминланишида тупроқнинг ҳажм массаси 0,04-0,05 г/см³ га ошган бўлса, 80 % сув билан таъминланишида, суғориш тартиби қўлланилган вариантларда амал даври охирида 0-30 см қатламда 0,02-0,04 г/см³ га ошганлиги аниқланди. Тупроқнинг ғоваклиги бўйича олиб борилган кузатувлар юқорида келтирилган қонуниятни тасдиқлади. Тупроқнинг солиштирма вазни бўйича маълумотларда катта ўзгаришлар кузатилмади.

Ҳар хил сув танқислиги шароитида экинларнинг суғориш тартибининг тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири ўрганганилганда тажриба даласи тупроқларининг агрокимёвий хусусиятлари асосий экин таъсирида ва 40,60,80 % сув билан таъминланишида ҳам суғориш тартибига боғлиқ ҳолда ўзгаришлари аниқланган. Олинган маълумотлар бўйича сув билан таъминланишида 40 % бўлганда озика элементларининг ҳаракатчан шакллари камаймаганлигини кўрсатади.


Демак, тупроқ намлиги яхшиланиши билан озика элементларидан ўсимлик фойдаланиши натижасида унинг миқдори камайганлигидан маълумот беради. Тупроқнинг 0-50 см қатламида ялпи азот, умумий фосфор, калий ва уларнинг ҳаракатчан шакллари ўсимлик турига боғлиқ ўзгарганлиги кузатилди. Яъни ғўза кунгабоқар, кузги буғдой амал даври охирига келиб, озика моддалар билан кам таъминланган гуруҳига кириши маълум бўлди. Изланишларда бедани 80 % сув билан таъминланишида суғориш тартибини ўтказганимизда, гумус биринчи йили 0,01 %, иккинчи йили 0,03 % ва учинчи йили 0,03% га кўпайганлиги кузатилди. Демак тупроқнинг агрокимёвий хоссалари сув танқислигида, суғориш тартибига, ўсимликлар турига боғлиқ ўзгариб борди.

Сув танқислигига, суғориш тартибига ва экинлар турига боғлиқ тупроқдаги туз режимининг ўзгариши ўрганганимизда амал даври ўртасида 40 % сув билан таъминланишида ҳар хил суғориш тартиби ўтказилган вариантда анча туз тўпланиши кузатилди. Яъни ялпи тузлар миқдори 0-100 см тупроқ қатламида 0,511 %, шундан ялпи зарарсиз тузлар 0,134 %, ва яъни зарарли тузлар 0,377 % ни ташкил этди.

Сув билан таъминланиши 60 % бўлган вариантларда ялпи зарарли тузлар 64,8 % га ортиб, умумий тузлар миқдори 0,487 % бўлди. Сув билан таъминланиши 40 % га нисбатан умумий тузлар миқдори 0,134 %


камайганлиги маълум бўлди.

Сув билан таъминланиши 80 % бўлганда суғоришларни ўтказганимизда 60 % сув билан таъминланишидаги вариантдан 0,081% кам бўлди.



1-расм Ҳар хил сув танқислигида тупроқнинг шўрланиши, % (амал даври охирида 2018 й)

Вўза ва кунгабоқар экилган далаларида амал даври охирига бориб ўртача шўрланган даражага етиб, ҳар йили шўр ювиш тадбирини ўтказишни талаб этади. Кузги буғдой ва беда ўсимлиги тупроқнинг мелиоратив шароитига ижобий таъсир этганлиги аниқланиб, амал даври охирида шўр ювиш меъёрини анча камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.



2-расм Ҳар хил сув танқислигида тупроқнинг шўрланиши, % (амал даври охирида 2018 й)

Олинган маълумотлар бўйича тупроқда тузларнинг йиғилиши суғориш тартибига ва экин турига боғлиқ бўлиб, кунгабоқар, кузги буғдой, беда ўсимликларида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 %, ғўза экиннинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % дан кам бўлмаслигини тақозо этади.

Сув танқислигида мақбул суғориш олди тупроқ намлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда, 40, 60 ва 80 % сув билан таъминланишида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 %, 80 % сув билан

таъминланганда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % ва 80-80-60 % бўлганда суғоришлар ўтказилиши аниқланган.

Ўза етиштирилган тажриба даласида суғоришларни ўтказиш учун тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % дан кам бўлмаслиги маълум бўлди. Кунгабоқар, кузги буғдой ва беда етиштирилган тажриба даласида мақбул тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлганлиги кузатилди. Ҳамма экинларда пишиш даврида суғоришлар талаб қилмади.

Асосий экинларнинг ҳар хил сув билан таъминланиши ва суғориш тартибига боғлиқ ҳолда суғориш сони, тизими ва даврий ҳамда мавсумий суғориш меъёрлари аниқланганда ҳар бир экин учун алоҳида олдинги урганган олимларимизнинг 100 % лик таъминотидан келиб чиқиб 40, 60 ва 80 % сув билан таъминланишларни олинди.

Ўзани етиштиришда ҳар хил сув билан таъминланишда ҳосилдорлик мақбул вариантда сув билан таъминланишида 1-3-0 мақбул суғориш тизимида, суғориш меъёри 724-782 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 3027 м³/га эканлиги аниқланган. Кунгабоқарни мақбул суғориш тизими 0-1-0, суғориш меъёри 628-1138 м³/га га тенг бўлган. Кузги буғдойни 60 % сув билан таъминланганда суғориш тизими 0-3-0 ва мавсумий суғориш меъёри 2011 м³/га га тенг бўлди, мақбул ўсиш ва ривожланиш кузатилди.

Беданинг «КК-15» нави экилиб, сув билан таъминланиши 60 % бўлганда 3 маротаба суғорилиб, суғориш меъёри 640-787 м³/га ҳамда мавсумий суғориш меъёри 2006 м³/га ни ташкил қилди.

Асосий экинларнинг турли даражада сув билан таъминланишда ва суғориш тартибига ўсиши ва ривожланиши ўрганилганда, ўзанинг маромида ўсиб, ривожланишига олиб келадиган шароит 80 % сув билан таъминланишидан камаймаган ҳолда, тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % тартибда суғорилганда ўзанинг биринчи ва ўрта ярус шохларида, ҳосил тугунчалари, шона, гуллари ва кўсақлари яхши ривожланишга олиб келди.


Кунгабоқарнинг маромида ўсиб, ривожланиши ва юқори ҳосил тўплаши учун 40 % сув билан таъминланишида, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % дан камаймаслиги аниқланди. Кунгабоқарнинг кўчат қалинлиги баҳорда гектарига 58,7-65,6 минг тўп, кузда 55,3-65,0 минг туп бўлди.

Кузги буғдой баҳор ойларида сув танқислигига чидамли бўлиб, май ойида 40 % сув билан таъминланишида ўсиш, ривожланиши анча пасайиши аниқланди. 60 % сув билан таъминланишида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % режимда суғорилганда унинг ўсиши ва ривожланиши мақбул даражада бўлди.

Беданинг энг юқори ўсиш, ривожланиш натижалари ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида 60 % сув билан таъминланганда кузатилди. Тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70 % суғориш режимида биринчи йили асосий поянинг баландлиги ўримлар бўйича 87,5 ва 97,8 см бўлди, иккинчи ва учинчи йилларда 115,6-125,6 см ни ташкил этди. Демак, сув танқислиги


йиллари шароитида сувсизликка чидамли экинлар майдонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ келади.

Асосий экинларнинг ҳосилдорлиги сув танқислиги ва суғориш тартибининг таъсирини ўрганилганда, юқори пахта ҳосили гектарига 30-34 ц олишда сув билан таъминланиши 80 % дан кам бўлмаган шароитда, суғоришни тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % тартибда ўтказилиши аниқланган. Сув билан таъминланиши 40 ва 60 % бўлган вариантларда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлганда суғоришларни ўтказганимизда пахта ҳосили гектарига 20-25 ц бўлганлиги аниқланган.



$$НСР05 = 1,08 \quad \text{ц / га}$$

3-расм. Сув билан таъминланиши ва суғориш тартибига боғлиқ ғўзанинг ҳосилдорлиги, ц/га (2016-2018 йй)




$$НСР05 = 0,62 \quad \text{ц / га}$$

4-расм. Сув билан таъминланиши ва суғориш тартибига боғлиқ кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги, ц/га (2016-2018 йй).


Кенг қамровли тадқиқотлар натижасида, ғўзани 80-80-60 % суғориш тартибида ўтказганимизда пахта тола кўрсаткичларига ижобий таъсири аниқланган. Кунгабоқарни 40 % сув билан таъминланиши шароитида тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % да суғоришни ўтказганимизда юқори ҳосил олиниши кузатилди. Демак, сув

танқислиги шароитида кунгабоқар майдонини кўпайтириб, аҳолини сифатли кунгабоқар мойи билан таъминлаш мумкин.



НСР05= 2,15 ц / га

5-расм. Сув билан таъминланиши ва суғориш тартибига боғлиқ кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги, ц/га (2016-2018 йй)



НСР05= 3,84 ц / га

6-расм. Сув билан таъминланиши ва суғориш тартибига боғлиқ беда пичани ҳосили, ц/га(2016-2018 йй)

Тажриба олиб борилган йилларда кузги буғдой ҳосилдорлиги сув билан таъминланишига ва суғориш тартибига боғлиқ бўлиб гектарига 40,2-50,1 центнерни ташкил этди ва энг юқори дон ҳосили 60 % сув билан таъминланганда олинди. Ўтлоқи -аллювиал тупроқлари шароитида бедани ҳар хил сув танқислигида ва суғориш тартибида парваришлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда, энг юқори ҳосил 60 % сув билан таъминланганда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70 % режимда суғоришда олинди ва беда пичани уч йилда ўртача 80,5 ц /га ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Сув билан таъминланишига ва суғориш тартибига боғлиқ ҳолда асосий экинларнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида ғўзани 40, 60 % сув билан таъминланишида ва тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % режимда суғоришда иқтисодий самарадорлиги паст бўлганлиги кўрсатилган. Суғоришни 80 % сув билан таъминланганда ва тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 %

тартибда ўтказганимизда энг юқори соф даромад 3 млн. 632 минг сўм/га бўлганлиги кўрсатилган.

Кунгабоқарни 40 % сув билан таъминланиши шароитида, парваришланганда мавсумий суғориш меъёри 628-1138 м³/га, жами ҳаражатлар 2 млн. 505 минг 350 сўм/га га тенг бўлиб, энг юқори соф фойда 1 млн. 28 минг 680 сўм/га ва рентабеллиги 41,7 % га тенг бўлган.

Кузги буғдой тажриба даласида 60 % сув билан таъминланишида 0-3-0 суғориш тизимида ва умумий суғориш меъёри 2011 м³/га бўлган вариантда кузги буғдой ҳосилдорлиги ўртача уч йилда 50,1 ц /га ни ташкил этиб, бу ҳосилни сотишдан олинган даромад 4 млн.11 минг 340 сўм/га, жами ҳаражатлар 2 млн. 693 минг 140 сўм/га га тенг бўлиб, соф даромад 1 млн.318 минг 200 сўм/га ни ташкил этиб рентабеллик даражаси 43,4 % ни ташкил қилган.

Ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида 60 % дан паст бўлмаган сув билан таъминланишида бедани 3 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 2006 м³/га бўлганда нисбатан юқори соф фойдага эришилиб, бу кўрсаткич 1 млн. 542 минг 60 сўм/га ташкил этди. Демак, сув танқислиги йилларида кузги буғдой ва беда экинлари майдонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибаларда 2019-2020 йилларда Қонликўл тумани «Islam Shaniyazov» фермер хўжалигида ғўзанинг «Чимбой-5018» нави 11,7 гектарга, Хўжайли тумани «Зульфия тadbиркор аёл» фермер хўжалигида 27,5 гектар майдонда кунгабоқарнинг «Наврўз» нави, Чимбой тумани «Аршан» фермер хўжалигида 21,3 гектар майдонда кузги буғдойнинг «Краснодарская-99» нави ва Чимбой тумани «Амирниязов Шухрат» фермер хўжалигида 17,5 гектар майдонга беданинг «КК-15» нави ишлаб чиқариш шароитида 40, 60 ва 80 % сув билан таъминланишида тегишли мақбул суғориш тартиби синаб кўрилди.

Ўтказилган тадқиқотлар маълумотлари бўйича олинган пахта ҳосили назорат вариантыда 25,7 ц /га бўлса, тавсия этилган вариантда ўртача 28,6 ц /га ни ташкил этиб, қўшимча ҳосил 2,9 ц /га га тенг бўлди.Кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотлар ўртача гектарига 13,8 центнер ва тавсия этилган вариантда гектарига 14,5 центнер ҳосил олинди, яъни гектаридан 1,4 центнер қўшимча ҳосил олинди. Кузги буғдойнинг 0-3-0 тизимда, даврий ва мавсумий суғориш меъёри тегишлича 650-788 м³/га ва 2011 м³/га да суғоришларни ўтказганимизда, гектаридан 42,3-49,5 ц/га ҳосил олинди, 2,7-3,2 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди. Бедани ҳар хил сув танқислигида 3 маротаба суғорилиб, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёри тегишлича 640-787 м³/га ва 2006 м³/га қўлланилиши натижасида беданинг ўсиши, ривожланиши учун мақбул тупроқ намлиги яратилиб, гектаридан 3,5-4,3 ц /га қўшимча ҳосил олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикасининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида сув танқис йиллари экинларни турли меъёрларда суғориш натижасида амал даври бошига нисбатан амал даври охирида тупроқнинг ҳажм массаси $0,03-0,04 \text{ г/м}^3$ зичлашиши кузатилган бўлса, экин турлари ва 40, 60 ёки 80 % сув таъминоти шароитида суғориш натижасида тупроқ ҳажм массаси сезиларли ўзгармаган. Лекин, сув билан нисбатан юқори таъминланган (80%) шароитда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги сув танқис (40-60%) бўлганга нисбатан $150-175 \text{ м}^3/\text{га}$ камайгани қайд этилган.

2. Ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва беда экинларини сув таъминоти 40-60 % бўлган шароитда суғорилганда тупроқдаги ялпи тузлар миқдори 0,487-0,511% ни ташкил этган бўлса, 80% сув таъминотида шўрланиш даражаси (0,402%) пасайиши аниқланган, шунингдек кузги буғдой ва беда экинлари бошқа экинларга нисбатан шўрга чидамлилиги кузатилган.

3. Сув танқислиги йиллари 40-60 % сув билан таъминланган шароитда ғўза тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 ва 80-80-60% тартибда суғорилганда, бўйи 80,7-90,4 см, ҳосил шохлари 7,5-9,5 дона, кўсаклар сони 5,6-7,5 донани ташкил қилган ҳолда гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида пастки ва ўрта яруслардаги ҳосил элементлари тўкилиши ҳисобига кўсаклар сони камайган бўлса, сув таъминоти 80% ни ташкил этганда ғўзанинг бўйи 98,5-102,4 см, ҳосил шохлари 9,3-10,2 дона, кўсаклар сони 8,8-10,4 донага тенг бўлиб, энг юқори кўрсаткичларга эришилган.

Кунгабоқар экини сув танқислигига чидамли эканлиги аниқланиб, сув таъминоти 40% бўлганда, унинг ўсиши ва ривожланиши 60-80% сув билан таъминланганга нисбатан юқори натижаларга эришилиб, бўйи 180,4-199,5 см, барглари сони 15,6-17,3 дона, саватча диаметри 23,9-24,4 см ни ташкил этгани аниқланган.

Кузги буғдой экини ҳам қурғоқчиликка нисбатан чидамли эканлиги ва 60 % сув билан таъминланган шароитда мақбул ўсиши кузатилган ва бунда поя баландлиги 98,7-105,9 см, маҳсулдор поялар сони 4,0-4,2 см, бошоқ узунлиги 8,3-8,5 см, бир бошоқдаги дон сони 32,8-33,9 донага тенг бўлган. Беда экинининг мақбул ўсиши ва ривожланиши сув таъминоти 60-80% ни ташкил этган шароитда бир-бирига яқин кўрсаткичларни намоён қилиб, ўсимлик бўйи 90,5-124,4 см, шохлар сони 6,3-7,4 донага тенг бўлган.

4. Сув танқислиги шароитида ғўзани ЧДНС нисбатан 70-70-60 ва 80-80-60 % тартибда суғоришда сув билан 40% таъминланган шароитда 0-1-0 ва 0-2-0 тизимда, мавсумий суғориш меъёри $825-1559 \text{ м}^3/\text{га}$, 60 % таъминотда 1-1-0 ва 1-2-0 тизимда, мавсумий суғориш меъёри $2004-2532 \text{ м}^3/\text{га}$, сув таъминоти 80 % бўлганда эса 1-2-0 ва 1-3-0 тизимда суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри $2983-3027 \text{ м}^3/\text{га}$ бўлиши аниқланган.

Кунгабоқар 40% сув билан таъминланганда 0-1-0 ва 0-2-0 тизимда, мавсумий суғориш меъёри $628-1138 \text{ м}^3/\text{га}$, 60% таъминотда 0-2-0 ва 0-3-0

тизимда, мавсумий суғориш меъёри 1563-2036 м³/га, сув таъминоти 80% бўлганда эса 1-2-0 ва 1-3-0 тизимда суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 2568-3057 м³/га ни ташкил этган.

Кузги буғдой 40 % сув билан таъминланганда 0-1-0 ва 0-2-0 тизимда, мавсумий суғориш меъёри 846-1244 м³/га, 60 % таъминотда 0-2-0 ва 0-3-0 тизимда, мавсумий суғориш меъёри 1541-2011 м³/га, сув таъминоти 80 % бўлганда эса 1-2-0 ва 1-3-0 тизимда суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 2026-2548 м³/га тенг бўлган.

Беда 40 % сув билан таъминланган шароитда 1-2 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 628-1110 м³/га, 60 % таъминотда 2-3 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 1508-2006 м³/га, сув таъминоти 80 % бўлганда 3-4 марта суғорилган ва мавсумий суғориш меъёри 2512-3046 м³/га га тенг бўлиши аниқланган.

5. Турли экинлар 40, 60 ва 80% сув таъминоти шароитида суғорилганда сув танқислигига ўзига хос хусусиятларини намоён этган ҳолда ҳосилдорлик бўйича энг юқори натижалар қуйидагича бўлган: ғўза 80% сув билан таъминланганда 1-3-0 тизимда мавсум давомида 3027 м³/га меъёрда суғорилганда 30,4 ц/га пахта ҳосили олинган бўлса, кунгабоқар 40% сув таъминоти шароитида 0-1-0 тизимда мавсумий 628-1123 м³/га меъёрда суғорилганда уруғ ҳосили 14,5 ц/га, кузги буғдой 60% сув билан таъминланганда 0-3-0 тизимда суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 2011 м³/га ташкил этганда дон ҳосили 50,1 ц/га ва беда 60% сув билан таъминланганда 2-3 марта суғорилиб, 83,0 ц/га пичан ҳосили етиштиришга эришилган.

6. Қорақалпоғистон Республикасининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқларида сув танқислиги шароитида ғўза, кузги буғдой, кунгабоқар ва беда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланганда қуйидагилар аниқланган, жумладан ғўза экинида сув таъминоти 80 % ни ташкил этганда ва 80-80-60% суғориш тартибида суғорилганда энг юқори соф даромад олиниб, гектарига 1069,6 минг сўмни ташкил этган ҳолда 40-60% сув таъминотига нисбатан 314,697-557,479 сўм кўпроқ даромад олинган ва рентабеллик даражаси 52,4% ни ташкил этган. Кузги буғдойда 60 % сув таъминотида энг юқори даромад олиниб, гектарига 1318,2 минг сўмни ташкил этиб, 40 ва 80 % сув таъминотига нисбатан 44,653-735,563 сўм кўпроқ фойда олинган ва рентабеллик 43,4% бўлгани аниқланган. Кунгабоқар экини 40 % сув таъминоти шароитида юқори иқтисодий самарадорлик кўрсатиб, гектаридан 1028,6 минг сўм фойда олинган ҳолда 60 ва 80% сув таъминотига нисбатан 17,224-56,382- сўм кўп даромад олинди ва рентабеллик даражаси 39,6 % га тенг бўлди. Беда 60 % сув таъминоти шароитида парваришланганда энг юқори иқтисодий самара бериб, олинган соф даромад миқдори гектарига 1542,0 минг сўм бўлган ҳолда рентабеллик даражаси 44,7 % ёки 40-80% сув таъминотига нисбатан 2,5-10,5% фарқ қилган.

7. Қорақалпоғистон Республикасининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида ғўза, кунгабоқар, кузги буғдой ва беда экинларидан

юқори ҳосил олиш мақсадида:

ғўзанинг «Чимбой-5018» навини 40 % сув билан таъминланганда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда 0-1-0 тизимда мавсумий суғориш меъёри 824 м³/га, 60 % сув билан таъминланишида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда 1-1-0 тизимда, мавсумий суғориш меъёри 1992 м³/га, 80 % сув билан таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60% тартибда 1-3-0 суғориш тизимида, мавсумий суғоришни 3027 м³/га меъёрида ўтказиш;

кунгабоқарнинг «Наврўз» навини 40 % сув билан таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 0-1-0 суғориш тизимда, мавсумий суғоришни 625-1138 м³/га меъёрида, 60 % сув билан таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 0-2-0 суғориш тизимда, мавсумий суғоришни 1563-2036 м³/га, 80 % сув билан таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 1-2-0 ва 1-3-0 суғориш тизимларида, мавсумий суғоришни 2568-3057 м³/га меъёрларда ўтказиш;

кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навини 40 % сув билан таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 0-1-0 ва 0-2-0, суғориш тизимда, мавсумий суғоришни 846-1244 м³/га, 60 % сув билан таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 %, тартибда 0-3-0 суғориш тизимда, мавсумий суғоришни 2011 м³/га, 80 % сув билан таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 1-2-0 ва 1-3-0 суғориш тизимларида, мавсумий суғоришни 2026-2548 м³/га меъёрида ўтказиш;

беданинг «КК-15» навини 40% сув таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 1 ва 2 маротаба, мавсумий суғоришни 628-1110 м³/га, 60% сув таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 3 маротаба суғоришни, мавсумий суғоришни 2006 м³/га, 80 % сув таъминланишида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда 3 ва 4 маротаба мавсумий суғоришни 2512-3046 м³/га меъёрида ўтказиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПЧАТНИКА**

**НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО АГРАРНОГО
УНИВЕРСИТЕТА**

ХАЛМУРАТОВА БАХИТГУЛ УЗАХБЕРГЕНОВНА

**РАЗРАБОТКА ОПТИМАЛЬНОГО РЕЖИМА ОРОШЕНИЯ ОСНОВНЫХ КУЛЬТУР
В УСЛОВИЯХ МАЛОВОДЬЯ (НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ
КАРАКАЛПАКСТАН)**

06.01.02- Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Qx.403

Диссертация доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам выполнена в Нукусском филиале Ташкентского Государственного Аграрного Университета

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz.)

Научный руководитель:

Мамбетназаров Амангелди Бисенбаевич,
доктор сельскохозяйственных наук, доцент.

Официальные оппоненты:

Исаев Собиржан Хусанбаевич
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Иминов Абдували Абдуманнобович
доктор сельскохозяйственных наук, старший научных наук

Ведущая организация:


Научно – исследовательский институт ирригации и водных проблем


Защита диссертации состоится «28» 09 2021 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника. (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, с.с.г. Ботаника, ул УзПИТИ, НИИССАВХ Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz.)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника (зарегистрирована № 116). (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, с.с.г. Ботаника, ул УзПИТИ, НИИССАВХ Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.)

Автореферат диссертации разослан «10» 09 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «10» 09 2021 года.)



 **Ш.Н.Нурматов,**
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

 **Ф.М.Хасанова,**
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

 **Ж.Х.Ахмедов,**
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «В настоящее время при глобальном изменении климата возникает дефицит водных ресурсов, за последние семьдесят лет в 8 раз повысился водопотребление на земном шаре. Орошаемые земли составляют 307,955 млн. гектар, при этом на нужды сельского хозяйства в год расходуется 2,8 млн км³ пресной воды, используется причём только 70 % существующей пресной воды, где 40 % продуктов питания и 60 % зерноколосовых получают с орошаемых площадей»¹. Сохраняя модель водопользования необходимо проводить научные исследования по устранению дефицита воды.

В мире в условиях углубления дефицита воды одним из актуальных задач считается осуществление научных исследований по планированию использования воды, разработке современных, агро-мелиоративных водосберегающих технологий, обеспечивающих в настоящем и в будущем устойчивость экологически – мелиоративного состояния регионов, а также по бережному использованию воды для уменьшения дефицита воды, полному управлению стока рек, использованию ирригационных систем и совершенствованию технического обеспечения, применению водосберегающих технологий.

В Республике в условиях дефицита воды осуществляются широко масштабные ирригационные и мелиоративные, а также агротехнологические мероприятия по эффективному использованию водных ресурсов, улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, внедрению водосберегающих технологий и другие. В стратегии действия Республики Узбекистан на период 2017-2021 годы в разделе 3.3 «...улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, применение интенсивные методы в области сельскохозяйственного производства, прежде всего современных водо-и ресурсосберегающих агротехнологий»² намечено как одно из важнейших задач. Исходя из этого, создаётся необходимость по определению традиционных и нетрадиционных сельскохозяйственных культур, а также разработке режимов орошения при разных условиях дефицита воды. В последние годы в Узбекистане наблюдается дефицит воды, особенно в регионах Республики Каракалпакстан за счёт дефицита воды сокращаются посевные площади культур требующих много воды. Дефицит воды отрицательно действует на почвенные, климатические, экологические и другие условия Республики Каракалпакстан. Учитывая это, одним из актуальных задач в сельском хозяйстве является правильный выбор видов культур соответствующих почвенно – климатическим условиям и водным ресурсам, сохранение и постепенное повышение плодородия почвы, получение высокого урожая

¹<http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC>

²<https://www.uz.gov.uz/ru/uzbekistan/2017/02/07/4947> "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан".

сельскохозяйственных культур, разработка и внедрение в производство режима орошения.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач намеченных в указах Президента Республик за № ПП-4912 от 5 декабря 2020 года «О мерах по неотложному эффективному использованию водных ресурсов и улучшению мелиоративного состояния земель Республики Каракалпакстан», № ПП-4919 от 11 декабря 2020 года «О мерах по созданию интенсивного внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

